ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент давлат аграр университети - 90 ёшда: тарих, бугун ва истиқбол



ТОШКЕНТ 2020

Oleandrni (Nerium Oleandr.L.) qalamchalardan ko'paytirish
Raxmatov X.Ch., Turgunov M.D., Ne'matov Sh.B. …… 252

Iintroduksiya sharoitida xitoy glitsiniya (Wisteria Sinensis Sims.) o`simligini vegetativ ko`paytirish usullari
Xamidov M.Z., Xolmurotov M.Z. 255

Интродукция шароитида ноёб манзарали геофитлар коллециясини яратиш
Абдуллаев Д.А., Пўлатов С.О., Каримов Ш.О. 258

Павлония - ландшафт дарахти
Абдуллаева Х.З., Олимжонов А.Д.., Ғуломжонов З.Ш. 261

Ёнғоқ биоэкологияси ва истиқболли навлари
Абдуллаев О.А, Холова Ш.А., Акилов Ш.Т. 264

Vaccinium Uliginosum L. ўсимлигини микроклонал кўпайтириш имкониятлари
Абдухалимова С.А., Ганиев А.К. …….. 267

Ихтисослашган ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
Ахмедов Э.Т., Ахмедов М.Э., Эргашова Д.С. …… 270

Samarqand viloyatida shirach (Eremurus M.Bieb) turkumining tarqalishi
Bekqulova Z.N., Hasanov M.A...... 275

Икки парракли гинкгони (Ginkgo Biloba L) уруғланиш хусусиятлари ва ювенил ўсимликларини ривожланиши
Бердиев Э.Т., Гафурджанов Б.Т. …….. 278

Хеномелес (Chaenomeles Lindl.) – истиқболли манзарали ўсимлик
Бердиев Э.Т., Аширов В.Р., Ғуломова Д.Э. …… 284

Лаборатория шаротида чиройли тиллабош - centaurium pulchellum ўсимлиги кўчатини етиштириш
Ганиев А.Қ., Жумабоев Ғ.Ш., Дустиёров М.Д. …… 289

Тиканли ковул (Capparis Spinosa L.) ўсимлигининг табиий заҳираларининг ҳолати ва ундан самарали фойдаланиш истиқболлари
Ганиев А.К., Темиров Б.Б. …….. 295

Biodiversity of desert plants
Khamroyev K.F., Gafforov A.B. …… 298

Маулей беҳисининг (Chaenomeles maulei (mast.) Schneid.) қаламчасидан кўпайтириш технологияси
Гуламходжаева Ш.Ф., Хакимова М.Х. …….. 301

Роль лесных насаждений в предотвращениизагрязнения водоемов в центральной азии
Досахметов А.О., Токтасынова Ф.А., Жилкибаева Э.С., Юлдашов Я.Х. …… 304

Тукли эрва (Aerva Lanata L.) ўсимлигининг уруғ унувчанлиги ва майса биологияси
Дустиёров М.Д. …… 309

Ўзбекистонда асал берувчи дарахт ва буталар ассортименти ва улардан фойдаланиш имкониятлари
Жураев Ж.М., Кайимов А., Холмуротов М.З. . Халилова К.А...... 314

МАУЛЕЙ БЕҲИСИНИНГ (CHAENOMELES MAULEI (MAST.) SCHNEID.) ҚАЛАМЧАСИДАН КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Гуламходжаева Шахноза Фахритдиновна
Тошкент давлат аграр университети, Ташкент
Хакимова Малохат Холмуротовна
Тошкент давлат аграр университети, Ташкент

BREEDING TECHNOLOGY OF JAPANESE QUINCE (*CHAENOMELES MAULEI* (MAST.) SCHNEID.)

Gulamkhodzhaeva Shakhnoza Fakhritdinovna
Tashkent State Agrarian University, Tashkent
sh.gulamxodjayeva@gmail.com
Khakimova Malokhat Kholmurotovna
Tashkent State Agrarian University, Tashkent
m.xakimova.com@gmail.com

Annotation

The article presents the results of research on the study of methods of selection and reproduction of the ornamental shrub *Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.). Cuttings made from young stems and when using growth stimulants take root better.

Key words: *tree, bush, type, climate, flower, compact, elliptical, subtropical, branch, cutting*.

Аннотация

Мақолада манзарали Маулей хеномелеси (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) турини танлаш ва уларни кўпайтириш усуллари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Қаламчаларни ёш новдалардан олинганда ва ўсишини тезлаштирадиган стимуляторлардан фойдаланилганда яхши илдиз олиши аниқланган.

Калит сўзлар: *Дарахт, бута, тур, иқлим, гул, компакт, эллипссимон, субтропик, новда, қаламча.*

Ҳозирги вақтда аҳоли яшайдиган худудларни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида кўкаламзорлаштириш мақсадида фойдаланиладиган дарахт ва бута турларини танлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан ҳам аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш учун манзарали кўринишга эга бўлган дарахт ва бута турларини танлашга алохида эътибор бериш кераклиги бир неча маротаба таъкидлаб ўтилган. Кўкаламзорлаштиришда ўзгача чирой бахш этадиган Хеномелес Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) турини бунга мисол қилиш мумкин.

Кўкаламзорлаштиришда қўлланилаётган композициялар ва услубларни Маулей ўсимлигисиз тасаввур этиш қийиндир. Маулей ўсимлиги Раъногулдошлар (*Rosaceae*) оиласига мансубдир. Бу оиланинг Хеномелес (*Chaenomeles*) туркуми ҳалқ хўжалигида катта аҳамияти эга [2]. Хеномелес вакиллари ўзларининг ташқи кўриниши билан бир-биридан ажралиб турадилар. Кўпчилик Хеномелес унча баланд бўлмаган доим яшил дарахтлар ва буталардан иборат. Барглари овалсимон шакилда, ялтироқ, тўқ яшил майда қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган. Меваси сариқ думалоқ майда беҳисимон бўлиб, пишиб етилган

мевалари кеч кузда сариқ рангда пишиб етилади [3]. Маулей Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилмоқда ва истиқболли тур ҳисобланади. Уни турли композицияларда – гуруҳ-гуруҳ, гуллар клумбаларида экилса, уларнинг манзарали хусусиятлари кескин ортади [1].

Тадқиқот услуби. Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали дарахт ва бута турлари хусусиятларини аниқлаш уларнинг чангни ушлаб қолиш даражаси ва фитонцидлик хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали буталарнинг ижтимоий функциясига уларнинг эстетик таъсири, рекреацион ва соғломлаштириш аҳамияти киради.

Манзарали ўсимликларни лойхалаштириш пайтида уларнинг эстетик хусусиятларини доимо ҳисобга олиб бориш керак. Эстетик лойихалашда манзарали дарахт ва буталарнинг ҳар-хил турларидан фойдаланиш мумкин ва боғ-парклар барпо этишда уларнинг кўп функциялилик хусусиятларини таъминлаш керак. Бир хил кўринишга эга бўлган манзарали дарахт ва бута турлари регуляр услубда ишлатилса, хар- хил кўринишга эга бўлган манзарали дарахт ва бута пейзаж услубда ишлатилса инсонга завқ яхши кайфият берувчи ландшафтли муҳит яратилади. Хеномелес туркумининг кўкаламзорлаштириш учун энг қимматли тури Маулей беҳиси (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) бўлиб, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Маулей секин ўсиши билан ажралиб туради, бўйи 0,3 метрдан 1 метиргача бўлган чиройли гулловчи бутасимон ўсимлик хисобланади. Шох-шаббаси мустахкам ва тўп-тўп бўлиб жойлашган.

Тадқиқот натижалари. Маулей бехиси ўсимлиги тупроққа талабчан, қурғоқчиликка ўртача чидамли бута ҳисобланади. Совуққа чидамли, лекин қаттиқ ва қорли қишда шохлари, навдалари қисман зарарланиши мумкин. Маулей турлари сояга чидамли бўлиши билан бир қаторда ёруғлик яхши тушадиган ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроққа талабчан қирғоқчиллика ўртача чидамли бута хисобланади.

Маулейнинг асосий манзарали хусусияти – унинг доим яшил барглари ҳисобланади. Маулейни **кўпайтириш ўзига хос мураккабликка эга.** Уни уруғидан ва қаламчаларидан кўпайтирса бўлади. Уруғларининг хаётчанлиги 45% ни ташкил этади. Яшил қаламчаларининг илдиз олиш кўрсаткичи 45-50% га тенг. Яшил қаламчалари илдиз олишида улар 0,01% ли ИМК эритмасида 24 соат ушланади.

Маулейни асосан вегетатив йўл билан – ёзги ва кузги қаламчаларидан кўпайтирилади. Илдиз олиш даражаси 80-100% гача. Ёзги қаламчаларини тайёрлаш муддати новдаларнинг ҳолатига қараб аниқланади. Новдалар озроқ ёғочлашган бўлиши керак, одатда июннинг охирги декадасидан июлнинг ўрталарига тўғри келади. Кузги қаламчалар августнинг охири сентябрнинг бошларида тайёрланади.

Қаламчаларнинг узунлиги 5-10 см қилиб ёки 2 -3 куртак қолдириб олинади. Қаламчада 2 та юқориги барглари қолдирилади, пасткилари эса кесиб ташланади. Тайёрланган қаламчалар тупроқ ва торф 1:1 нисбатда тайёрланган юмшоқ субстратга экилади ва пленка билан ёпиб қўйилади.

Ҳар икки кунда бир марта мунтазам суғориб турилса 3 хафтада илдиз чиқаради ва ёш ўсимликлар 10х10 схемада парваришлаш майдончасига ўтказилади. Кейинги йил кузда кўчатлар тайёр бўлади ва уларни доимий ўсиш жойига экиш мумкин. Қаламчаларни ёш новдалардан олинганда ва ўсишини тезлаштирадиган стимуляторлардан фойдаланилганда яхши илдиз олади. Манзарали боғдорчиликда фойдаланиш учун Маулейнинг турли туман шакллари (барглари турли рангдаги) танлаб олинган.

Хулоса. Ўзбекистон шаҳарларини кўкаламзорлаштиришда Маулейнинг қуйидаги шакллари истиқболли ҳисобланади: Маулейнинг бу манзарали шакллари Республикамизнинг ҳамма худудларида кўкаламзорлаштириш учун тавсия этилади. Ушбу ўсимлик кўкаламзорлаштиришда фойдаланишни кенг йўлга қўйиш иқтисодий жихатдан самарали, қолаверса атроф-мухитни хамда юртимиз гўшаларини чиройига янада чирой қўшишига шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахманов А.А., Славкина И.Т. Озеленительный ассортимент и уход за городскими насаждениями Узбекистана/АН УзССР. Ботанич.сад им. Ф.Н.Русанова. – Ташкент: Фан, 1980. – 24 с.
2. Холова Ш.А. Фитодизайн яратишда махаллий ва интродукция килинган ўсимликлардан фойдаланиш. // «Интродукция растений: достижения и перспективы», VI Республика илмий-амалий конференция (23-24 май). – Тошкент, 2013. – 173-176 б.
3. Хоназаров А.А. ва бошқалар. Ўзбекистон худудини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган асосий манзарали дарахтлар ва буталар. – Тошкент, 2008. – 165 б.